

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АТАНИЯЗОВ МАХСУДЖАН КАМАЛАДДИНОВИЧ

**БОШ МИЯ МАГИСТРАЛ АРТЕРИЯЛАРИНИНГ
СТЕНОЗЛАНУВЧИ ЗАРАРЛАНИШИДА БЕМОРЛАРНИ
ОЛИБ БОРИШ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИНГ ЯНГИ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК
АСОСЛАШ**

**14.00.13 – Неврология
14.00.34 – Юрак ва қон-томир жарроҳлик**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on medical sciences**

Аганиязов Махсуджан Камаладдинович

Бош мия магистрал артерияларининг стенозланувчи зарарланишида
беморларни олиб бориш ва реабилитациясининг янги технологиясини
клиник-патогенетик асослаш 3

Аганиязов Махсуджан Камаладдинович

Клинико-патогенетические обоснование новых технологий
ведения и реабилитации больных со стенозирующим поражением
магистральных артерий головы..... 27

Ataniyazov Makhsudjan Kamaladdinovich

Clinical and pathogenetic substantiation of new technologies for the
management and rehabilitation of patients with stenosing lesion of the
main arteries of the head 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

АТАНИЯЗОВ МАХСУДЖАН КАМАЛАДДИНОВИЧ

БОШ МИЯ МАГИСТРАЛ АРТЕРИЯЛАРИНИНГ
СТЕНОЗЛАНУВЧИ ЗАРАРЛАНИШИДА БЕМОРЛАРНИ
ОЛИБ БОРИШ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИНГ ЯНГИ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК
АСОСЛАШ

14.00.13 – Неврология
14.00.34 – Юрак ва қон-томир жарроҳлик

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib168 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Раҳимбаева Гульнора Саттаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Суннатов Равшан Джалилович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Маджидова Якутхон Набиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Асамов Равшан Эркинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

С.Д. Асфендияров номли Қозоғистон миллий тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти хузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz.)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси, 51-уй.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г. Гафуров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Цереброваскуляр касалликлар орасида кенг тарқалган бош мия магистрал артериялари атеросклерози бугунги кунда неврологиянинг ва ангионеврологиянинг долзарб муаммоларидан бўлиб, дунё аҳолисининг катта ёшли қатлами орасида тобора кўп учраётган касалликлар жумласига киради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг прогностик маълумотларига кўра «2000 йилда цереброваскуляр касалликлардан ўлим кўрсаткичи 15 миллионга етган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилда 1,5 бараварга, яъни 25 миллионгача ошади»¹. Шубҳасиз, бош мия магистрал артериялари (БММА)нинг стенозланувчи зарарланиши оқибатида ривожланувчи цереброваскуляр, айниқса меҳнатга лаёқатли инсонлар орасида кўп тарқалмоқда. Жаҳон миқёсида цереброваскуляр касаллик, юрак ишемик касаллигидан сўнг ўлимнинг иккинчи сабабчиси бўлиб, барча ўлимларнинг 10% ни ташкил этади (5,4 млн. киши). Айтиш жоизки, «80–85% ҳолатларда церебрал ишемик инсультлар БММАнинг зарарланиши сабабли рўй беради ва бу уларнинг юрак-қон томир касалликларининг умумий структурасида ўлим ва ногиронлик даражаси юқори бўлганлиги билан боғлиқ»².

Бугунги кунда жаҳонда тиббий хизмат кўрсатишни янги даражага кўтариш борасида сурункали цереброваскуляр етишмовчилик (СЦВЕ)ни жарроҳлик даволашдан кейин юзага келадиган неврологик асоратларнинг олдини олиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада БММАнинг стенозланувчи зарарланиши билан касалланган беморларни каротид эндартерэктомия (КЭАЭ) усули билан даволагандан кейин юз берадиган когнитив ва неврологик бузилишларни эрта аниқлаш, беморлар ҳаёт сифати ва меҳнат қобилиятини тиклаш салоҳияти кўрсаткичларини яхшилаш учун олиб бориладиган чора-тадбир турлари, муддати ва давомийлигини аниқлаб беришга қаратилган илмий тадқиқотлар жуда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда БММАнинг атеросклеротик стенозланувчи зарарланиши билан хасталанган беморларни жарроҳлик йўли билан даволагандан кейин уларнинг меҳнат қобилиятини тиклаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш»³ вазифалари белгиланган. Шунга боғлиқ ҳолда, КЭАЭ жарроҳлик амалиётидан кейинги меҳнат қобилиятини тиклаш даврида сурункали цереброваскуляр етишмовчилик билан оғриган беморларнинг ҳаёт

¹ Скворцова В.И., Евзельман М.А. Ишемический инсульт. – Орел: Труд, 2014. -С.404. WHO's annual World Health.

² Heart Disease and Stroke Statistics-2009 Update: a report from the American Heart Association Statistics Committee and Stroke Statistics Subcommittee / D.Lloyd-Jones [et al.] // Circulation. – 2015 Jan 27. –Vol. 119, N3. – pp. 480–86.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

сифати ва меҳнат қобилиятини тиклаш салоҳиятини аниқлаш аҳоли учун тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришни таъминлайди, ўз навбатида, аҳолининг ҳаёт фаолиятини яхшилаш, касаллик даражасини пасайтириш ва умр кўриш давомийлигини ошириш тиббиётнинг долзарб йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сонли «Шошилиш тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда СЦВЕ касаллик структураси ва аҳолининг ўлим кўрсаткичларида муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига кўра ҳар 100000 киши орасида қон айланиш тизими касалликлари 5800 тани ташкил қилади ва уларнинг сони кўпайиб бормоқда. Республикада 100000 аҳоли учун ишемик инсультлар (ИИ) сони 150 дан ошади. Мамлакат бўйича уларнинг умумий миқдори 66000 тани ташкил этиб, ИИ ва геморрагик инсульт 4,8:1 нисбатни ташкил қилади. Афсуски, бугунги кунда Ўзбекистонда ўз-ўзига хизмат кўрсата олмайдиган ногиронлар сони 150000 нафардан ортиқ [Гафуров Б.Г. 2016].

Каротид эндартерэктомиа СЦВЕда узок муддатли таъсирга эга бўлган амалиёт ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг статистик маълумотларига кўра дунёда йилига 1 миллиондан ортиқ КЭАЭ амалиёти амалга оширилади. Йил давомида АҚШда каротид артериялар бўйича 140000 дан зиёд амалиёт амалга оширилади, яъни 100000 аҳолига 52 та амалиёт тўғри келади. Европада йилига 100000 аҳоли ичида 16 та КЭАЭ амалиёти амалга оширилади [Albers G.W.2014]. Россияда йил давомида брахиоцефал артерияларда ўтказилган амалиётлар (ЖССТнинг 2008 йилги статистик маълумотларга кўра) тахминан 8000 ни ташкил этади ва амалиётга эҳтиёж йилига 100 дан 120 мингтагача етади [Покровский А.В. 2015]. Айни пайтда Ўзбекистонда йилига 700–800 дан зиёд реконструктив жарроҳлик амалиётлари бажарилмоқда, эҳтиёж эса йилига 20–22 мингтани ташкил этади [Каримов Ш.И. 2016].

Баъзи ҳолларда КЭАЭдан сўнг неврологик аломатларнинг пайдо бўлиши билан уйқу артерияларида рестеноз ўртача 15% га ривожланиши мумкин. Рестеноз содир бўлиш тезлигини камайтириш муаммоси ҳали ҳам долзарблигича қолмоқда, чунки рестенознинг 13,5% гача кузатилиши неврологик аломатларнинг қайта ривожланишига сабаб бўлади. Каротид эндартерэктомиядан сўнг рестенознинг ривожланиши 0,9% дан 36% гача ўзгариб туради [А. Schanzer 2012, F. Flugi 2015]. Маълумотларнинг бундай ўзгариб туриши «рестеноз» тушунчасининг ягона мезонлари мавжуд эмаслиги, амалиёт ўтказган беморларнинг турли кузатув муддатининг ва усулларининг шартларига боғлиқдир. Юқори маълумот берувчи дуплекс сканерлаш тадқиқот усуллари шуни кўрсатмоқдаки, рестенознинг аниқ даражаси клиник мезонлар бўйича ҳисоблаб чиқилганидан анча юқоридир. Кўпчилик муаллифлар «рестеноз» тушунчасига фақат функционал нуқтаи назардан қарайдилар, яъни унинг гемодинамикага (стеноз даражаси 50–60% дан юқори) таъсир этишини ҳисобга оладилар [Скворцова В.И. 2014, N. Hudorovic 2016].

Ангиожарроҳликнинг ривожланиши каротид артерияларида олиб борилган амалиётлар сонининг бир неча баробар ўсиши билан эмас, балки уларнинг натижалари сезиларли даражада яхшиланиши билан баҳоланади. Юқорида айтиб ўтилган маълумотлар қуйидагиларни таъкидлаш имконини беради: каротид эндартерэктомия амалиёти кенг тарқалган бўлса ҳам, ушбу жарроҳлик амалиёти натижалари, жумладан, рестеноз ривожланиши ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Жарроҳлик ёки терапевтик усул билан даволанадиган бош мия магистрал артерияларнинг гемодинамик аҳамиятли стеноз шикастланишига чалинган беморларда инсулт содир бўлиш тезлигини таққослаш бўйича маълумотлар мавжуд эмас [Печенкин А.А. 2014]. Бундан ташқари, каротид эндартерэктомиядан кейин СЦВЕ билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифати ва меҳнат қобилиятини тиклаш салоҳияти кўрсаткичлари, шунингдек, амалиётдан кейинги даврларда беморларга қараш масалалари ҳозирги кундаги маҳаллий ва хорижий адабиётларда етарлича акс эттирилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий-таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот режасига мувофиқ «Бош мия магистрал артерияларининг стенозланувчи зарарланиши билан оғриган беморлар меҳнат қобилиятини тиклаш ва унинг диагностик алгоритмининг ишлаб чиқиш» (2010–2018 йй.) илмий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади бош мия магистрал артерияларининг стенозланувчи зарарланиши билан хасталанган беморларда клиник-неврологик ва гемодинамик бузилишларни баҳолаш негизида беморларни кузатиш, даволаш тактикаси ва операциядан кейинги даврда уларнинг меҳнат қобилиятини тиклашни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

каротид эндартерэктомия амалиётини бошдан ўтказган беморларни даволашдан кейинги 3, 6 ва 12 ойлик муддатларда церебрал динамика, неврологик мақом ва когнитив функциялар динамикасини баҳолаш;

ўткир инсультнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикасида цереброваскуляр касалликка чалинган беморларни даволашнинг консерватив ва жарроҳлик усуллари аҳамиятини аниқлаш;

каротид эндартерэктомия ўтказган беморлар меҳнат қобилиятини тиклаш босқичларида уларнинг ҳаёт сифати динамикасини, шунингдек, терапияга жарроҳлик ёки консерватив ёндашувларда меҳнат қобилиятини тиклаш салоҳияти кўрсаткичлари динамикасини баҳолаш;

каротид эндартерэктомия ўтказилган амалиётдан кейинги эрта ва кеч даврларда беморларни кузатиш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2010–2018 йилларда Тошкент тиббиёт академиясининг 2-клиникаси, Республика ихтисослаштирилган ангионеврология маркази ва Тошкент тиббиёт академиясининг 1-клиникасида консерватив даволанган 41 ёшдан 72 ёшгача бўлган уйқу артерияларида гемодинамик аҳамиятли (60% дан юқори) атеросклеротик стенози мавжуд, сурункали цереброваскуляр етишмовчилик билан касалланган 280 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида махсус неврологик ва нейропсихологик шкалалар, уйқу артерияларни дуплекс сканерлаш ва мультиспирал компьютер томографик ангиография текшируви натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда клиник маълумотлар, анамнез, беморлар психик мақомини баҳолашнинг қисқача шкаласи (Mini Mental State Examination (MMSE)), беморлар функционал фаоллик даражасини аниқлаш шкаласи (Бартел), беморлар ҳаёт сифатини аниқлашда EQ-5D сўровномаси, даволанишдан кейинги беморлар меҳнат қобилиятини тиклаш салоҳияти даражалари ва ангиологик текширувлардан (транскраниал доплерография, уйқу артерияларини дуплекс сканерлаш, бўйин ва бош мия қон томирлар МСКТ ангиографияси) ҳамда статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба каротид артерияларнинг гемодинамик аҳамиятли стенози ва сурункали цереброваскуляр етишмовчилик билан хасталанган беморлар меҳнат қобилиятини тиклаш даврида инсульт ривожланиши ва ўлим ҳолатлари бўйича жарроҳлик ва консерватив даволаниш самарадорлиги баҳоланган;

илк маротаба даволаш усулларига боғлиқ ҳолда бош магистрал артерияларининг гемодинамик аҳамиятли стенози ва сурункали цереброваскуляр етишмовчилиги билан хасталанган беморларнинг меҳнат қобилиятини тиклаш кўрсаткичлари ва ҳаёт сифати баҳоланган;

каротид эндартерэктомия ўтказилган беморлар меҳнат қобилиятини тиклаш учун даволаш курсларининг ҳажми ва муддати ишлаб чиқилган;

бош мия магистрал артерияларининг атеросклеротик стенозланувчи зарарланишида диагностик чора-тадбир усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагидан иборат:

КЭАЭ ўтказилган беморларга қараш ва уларнинг меҳнат қобилиятини тиклаш дастурларига ёндашувларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш беморларда амалиётдан кейинги асоратларни камайтиришга, транзитор ишемик хуруж (ТИХ) ва церебрал ишемик инсульт каби бош мия қон томирлари касаллигининг қайта ривожланишига йўл қўймаслик имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, клиник, инструментал, ва статистик текшириш усуллари асосида амалга оширилганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологиялари ёрдамида олингани, назарий ва амалий тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги ҳамда амалиётга жорий қилинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти дунёда СЦВЕнинг эрта диагностикаси илмий изланишлар предмети ҳисобланиши ҳамда нафақат даво муолажаларини ўз вақтида бошлаш, балки касаллик ривожланиб борган сари бемор ва унинг қариндошларини ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлашни таъминлаш зарурлигига асосланади. БММА зарарланишининг асорати узоқ муддатли ногиронлик билан кечиши, беморларнинг даволаниши ва парвариши учун иқтисодий сарф-харажатларнинг кўплиги беморларнинг махсус муассасаларга ётқизирилиши билан боғлиқ. Ушбу касалликнинг биринчи йилида беморларни фаол даволаш ва уларнинг меҳнат қобилиятини тиклаш учун сарф қилинадиган маблағ умумий харажатларнинг фақат 20–25% ни, бироқ инсультдан кейин 1 йил ва ундан кўп бўлган вақтда парвариш ва меҳнат қобилиятини тиклаш уларнинг 75–80% ни ташкил этади. БММА атеросклерози сабабли ривожланган СЦВЕга чалинган беморларда когнитив бузилишлар ҳамда неврологик аломатларни КЭАЭ жарроҳлик усули билан бартараф қилиш ва ушбу амалиётдан кейин бир йил давомида ўтказилган даволаш ва меҳнат қобилиятини тиклаш чора-тадбирлари бемор ҳаёт сифати ҳамда меҳнат қобилиятини тиклаш салоҳияти кўрсаткичларининг яхшиланиб бориши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти меҳнат қобилиятини тиклашнинг 3, 6 ва 12 ойгача бўлган даврида СЦВЕ касаллиги билан чалинган беморларнинг натижаларини ўрганиш ва жарроҳлик амалиётидан кейин меҳнат қобилиятини тиклаш салоҳияти даражасининг беморлар орасида 45,5% ҳолатларда юқори, 39,6% ҳолатларда қониқарли даражада кузатилиши билан изоҳланди. Тадқиқот натижалари шундан далолат бердики, БММАНинг стенозланувчи зарарланишларида ишемик инсультнинг бирламчи профилактикасини сифатли таъминлаш мақсадида олиб борилаётган консерватив даволаш усулига қараганда каротид эндартерэктомиyani жарроҳлик усули билан даволаш хавфсиз бўлиб, у юқори клиник ва иқтисодий самарадорликка эришиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бош мия магистрал артерияларининг стенозланувчи зарарланиши билан ўтказилган КЭАЭ амалиётидан кейинги даврларида беморларнинг когнитив ва функционал фаолиятини, ҳамда ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида олиб бориладиган меҳнат қобилиятини тиклаш чора – тадбирларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Каротид эндартерэктомия билан беморларни амалиётдан кейинги даврида даволашнинг нейропротектив ёндашувлари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 12 декабрдаги 8н-р/351-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бош мия магистрал артерияларининг стенозланувчи зарарланишлари мавжуд, СЦВЕ нинг симптомли босқичи билан хаталанган беморларнинг КЭАЭ амалиётидан кейинги даврларида меҳнат қобилиятини тиклаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

СЦВЕ билан хасталанган беморларни жарроҳлик ва консерватив даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида олинган илмий натижалар Ўзбекистон Республикасининг даволаш-профилактика муассасаларига, хусусан, Гулистон тумани тиббиёт бирлашмаси ва Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 14 декабрдаги 8н-д/273-сон маълумотномаси). КЭАЭ амалиётидан кейинги даврларида ўз вақтида ўтказилган нейропротектив даволаниш чора-тадбирлари СЦВЕ нинг III даражаси билан хасталанган беморларнинг 57,2%да меҳнат қобилиятини тиклаш салоҳияти кўрсаткичларини юқори даражада кузатилиш, ушбу беморларнинг ҳаёт сифатини 39,7%га яхшилаш ва меҳнат қобилиятини тиклашнинг кейинги даврларида беморларнинг нейропротектив воситаларига бўлган талабини уч карра қисқартириш, ҳамда СЦВЕ нинг IV даражаси билан оғриган беморларнинг эса 35,7%да меҳнат қобилиятини тиклаш салоҳияти кўрсаткичларини юқори даражада кузатилиш, ушбу беморларнинг ҳаёт сифатини 44,9%га яхшилаш ва меҳнат қобилиятини тиклашнинг кейинги даврларида беморларнинг нейропротектив дори воситаларига бўлган талабини икки карра қисқартириш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган маълумотларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали церебро-вакуляр етишмовчилиги билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш масалаларининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Шарҳда сурункали церебро-вакуляр етишмовчиликда каротид жарроҳликнинг асосий муаммолари ва ишемик инсультнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва эпидемиологик масалалари таҳлил қилинган. Ушбу бобда сурункали церебро-вакуляр етишмовчиликнинг этиопатогенези, таснифи, клиник кўриниши ва ташхислаш усуллари ёритиб берилган. Сурункали церебро-вакуляр етишмовчиликни жарроҳлик ва консерватив усуллар билан даволашга бўлган замонавий ёндашувлар акс эттирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва текшириш услублари**» деб номланган иккинчи бобида ушбу ишда қўлланилган асосий текширув материаллари ва усуллари баён қилинган. Проспектив текширувга уйқу артерияларида гемодинамик аҳамиятли (60% дан юқори) стенотик зарарланишга эга, 41 ёшдан 72 ёшгача бўлган сурункали церебро-вакуляр етишмовчилик касаллигининг А.В Покровский (1979 йил) таснифи бўйича I, II, III, IV босқичлари билан оғриган 280 нафар бемор киритилган бўлиб, улар 2 гуруҳга ажратилди:

1-гуруҳга 69 ёшгача (ўртача ёш $55,3 \pm 1,2$) Тошкент тиббиёт академиясининг 2-клиникаси ангионеврология бўлимида очиқ усулда каротид эндартер-эктомиа амалиёти ўтказилган 140 нафар бемор киритилган (96 эркак (68,6%) ва 44 аёл (31,4%)).

2-гуруҳга 72 ёшгача (ўртача ёш $56,5 \pm 1,1$) Тошкент тиббиёт академиясининг 1-клиникаси неврология бўлимида стационар шароитда консерватив даво муолажаларини қабул қилган 140 нафар бемор киритилган (79 эркак (56,4%) ва 61 аёл (43,6%)).

Барча беморлар тадқиқотнинг 3, 6, 12 ойлари давомида кузатувда бўлган.

Тадқиқот натижалари жинси ва ёши бўйича (ўртача ёши $58,5 \pm 1,03$) мос келувчи 30 нафар амалда соғлом шахслар (17 нафар эркак (56,7%) ва 13 нафар аёл (43,3%)) кирган назорат гуруҳи билан таққосланди. Назорат гуруҳини шакллантиришда субъектив шикоятлари ва объектив неврологик аломатлари йўқлиги мезонлари ҳисобга олинди.


Ҳар икки гуруҳда ҳам беморларнинг жинси бўйича тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

Ҳар иккала гуруҳдаги беморларнинг жинси бўйича тақсимланиши

Гуруҳлар	Жинси		Жами
	Эркак	Аёл	
I гуруҳ	n=96	n=44	n=140
	68,6%±1,7	31,4%±1,3	%
II гуруҳ	n=79	n=61	n=140
	56,4 %±1,3	43,6%±1,4	%
Жами:	n=175	n=105	n= 280
	62,5%±1,5	37,5%±1,2	

А.В. Покровский таснифига кўра сурункали церебро-васкуляр етишмовчилик босқичлари бўйича иккала гуруҳдаги беморларнинг тақсимланиши аниқлик учун 1-расмда келтирилган.



■ I даража ■ II даража ■ III даража ■ IV даража

1-расм. Иккала гуруҳдаги беморларнинг СЦВЕ босқичлари бўйича тақсимланиши.

Тадқиқот ўтказилаётган иккала гуруҳдаги беморлар орасида ҳамроҳ касалликлар учраши (2-жадвал).

2-жадвал.

СЦВЕ билан оғриган беморларда ҳамроҳ касалликлар хусусиятлари ва содир бўлиш тезлиги

Беморлар сони	Артериал гипертензия + Атеросклероз		ЮИК		Анамнезда инфаркт миокард		Қандли диабет		Оёқ артериялари зарарланиши	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Асосий гуруҳ n=140	124	88,6	47	33,6	7	5	28	20	33	23,5
Таққослаш гуруҳи n=140	126	90	16	11,4	-	-	30	21,7	9	6,4

Барча беморлар стандарт усул бўйича қуйидаги текширувлардан ўтказилди: клиник-неврологик текширув, ЭКГ, эхокардиография, кўкрак аъзолари рентгенографияси, шунингдек, ультратовуш текшируви ва МСКТ-ангиография текшируви, MMSE шкаласи бўйича рухий ҳолат кўрсаткичлари, EQ-5D

сўровномаси бўйича беморлар ҳаёт сифати ва даволанишдан сўнг меҳнат қобилиятини тиклаш салоҳияти. Шунингдек, Бартел шкаласи ёрдамида СЦВЕнинг IV бочқичи билан оғриган беморлар функционал фаолияти ҳам баҳоланди.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили ўртача арифметик катталиқ (М), ўртача арифметик катталиқ хатолиги (м), чизикли корреляцион коэффициент (р), ишончлилик коэффициентида иборат вариацион статистика усули ёрдамида ўтказилди. Ўртача фарқларнинг ишончлилиги ишонч оралиғи 95% бўлган ҳолда Стьюдент мезони бўйича баҳоланди ($p < 0,05$).

Диссертациянинг «**Бош мия магистрал артерияларининг атеросклеротик стенозланиши мавжуд беморларни жарроҳлик ва консерватив коррекциялаш**» деб номланган учинчи бобида СЦВЕ билан хасталанган беморларни консерватив даволаш ва КЭАЭ амалиёти кўринишлари келтирилган. Биринчи гуруҳдаги беморларнинг уйқу артерияларида амалга ошириладиган жарроҳлик амалиётининг кўринишлари 3-жадвалда кўрсатилган.

3-жадвал.

Уйқу артерияларида КЭАЭ амалиёти турлари

Амалиёт турлари	Беморлар сони	
	абс.	%
Классик КЭАЭ	102	72,9
Эверсион КЭАЭ	38	27,1
Жами:	140	100

Ҳар иккала гуруҳдаги барча беморлар шифохонадан чиқарилгандан кейин 3, 6 ва 12 ой давомида невролог ва ангионевролог назорати остида навбатдаги реабилитацион консерватив даво муолажаларини қабул қилишди:

1. Иккала гуруҳдаги барча беморлар икки карралик антиагрегант (75 мг ацетилсалицил кислотаси + 75 мг клопидогрел), гиполипидемик (симвостатин, аторвостатин 20мг/кунига) ва антигипертензив муолажаларни (АПФ-ингибитори периндоприл 4/8мг ёки лизиноприл 5 ёки 10 мг/кунига, кальций каналларини блоклаш учун амлодипин 5 ёки 10 мг/кунига) йил давомида қабул қилиши ва кейинчалик бир неча йиллар давомида ушбу муолажаларни узлуксиз давом эттириши тавсия этилди.

2. I гуруҳдаги СЦВЕ нинг I, II, III босқичга эга барча беморларга юқоридаги узлуксиз базис терапия фонида операция давомида бош мияни медикаментоз ҳимояси учун ИУАни сиқиш вақтида ва ИУА бўйлаб қон оқимини юбориш вақтида тўсатдан гиперфузия билан боғлиқ интраоперацион церебрал ишемия (ТИХ ва ИИ лар) асоратлар сонини қайд этилишини камайтириш мақсадида фақат Холин альфосцерат 4 мл – 1000 мг воситаси ва ушбу гуруҳдаги СЦВЕ нинг IV босқичга эга, яъни ишемик инсульт ўтказган барча беморларга эса юқоридаги узлуксиз базис терапия фонида Цитиколин 4 мл -1000 мг воситаси билан биргаликда Холин альфосцерат 4 мл – 1000 мг воситаси 100 мл физиологик эритмада эритилиб вена ичига томчилаб қўлланилди.

3. Реабилитация даврининг 3, 6, 12 ой кузатув даврларида иккала гуруҳдаги беморларга узлуксиз базис терапия фонида, неврологик синдромларни, когнитив бузилишларни коррекциялаш ҳамда ривожланишини

тўхтатиш ва беморни функционал активлик даражасини тиклаш орқали беморлар ҳаёт сифатини, реабилитация кўрсаткичларини яхшилаш учун ушбу комбинацион нейропротектив даво муолажалар, яъни Цитиколин 4 мл – 1000 мг/кунига физиологик эритмада эритилиб вена ичига томчилаб 10 кун, сўнг ушбу воситанинг суспензияси 2 мл (200 мг) суспензияси кунига 3 марта 45 кун давомида, ҳамда Холин альфосцерат 4 мл – 1000 мг/кунига физиологик эритмада эритилиб вена ичига томчилаб 10 кун, сўнг эса ушбу воситанинг 400 мг капсуласи кунига 3 маҳал 30 кун давомида ичиш тавсия этилиб борилди.

4. Бундан ташқари ИИ асоратлари билан амалиёт ўтказган ва ўтказмаган беморларни кузатув даврларида реабилитация қилиш мақсадида янги технологик, яъни кинезотерапия, махсуслаштирилган тренежёр (МОТО med ёрдамида), даволаш гимнастикалари, махсус электр массаж ва селектив вибростимуляция каби усуллар қўлланилди.

Даволашнинг фармакологик бўлмаган усуллари орасида барча беморларга спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ва чекишни тўхтатиш, гипо-холестеринли диета ва жисмоний фаолият туридан сақланиш ҳамда психофизик стресслар олдини олиш тавсия этилди.

Диссертациянинг «Сурункали цереброваскуляар етишмовчилиги билан хасталанган беморларни жарроҳлик ва консерватив йўл билан даволаш натижаларининг қиёсий баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобда жарроҳлик ва консерватив усул билан даволанган беморларнинг реабилитацион даволаниш босқичида клиник-неврологик хусусиятлари, ангиологик натижалари, шунингдек, СЦВЕга чалинган беморларни жарроҳлик ва консерватив даволаш натижалари таҳлил қилинган.

4-жадвалдан кўриниб турибдики, I гуруҳдаги беморларнинг амалиётдан кейинги меҳнат қобилиятини тиклаш даврида субъектив аломатлар ва неврологик синдромларнинг сезиларли даражада камайиши статистик жиҳатдан кузатилган.

4-жадвал.

3, 6 ва 12 ойлик кузатув натижалари бўйича III даражали СЦВЕ (n = 64) билан хасталанган биринчи гуруҳ беморларининг клиник хусусиятлари

I гуруҳ СЦВЕ III (n=64)								
Касаллик аломатлари	Амалиётгача		Амалиётдан 3 ой ўтиб		Амалиётдан 6 ой ўтиб		Амалиётдан 12 ой ўтиб	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Асосий субъектив аломатлар:								
Бош оғриғи	59	92,2±3,4	49	76,6±5,3*	39	60,9±6,1***, ^	25	39,1±6,1***, ^^
Бош ва қулоқдаги шовқин	40	62,5±6,1	32	50,0±6,3	10	15,6±4,6***, ^^	5	7,8±3,4***, ^^
Бош айланиши	51	79,7±5,1	49	76,6±5,3	35	54,7±6,3**, ^	28	43,8±6,3***, ^^
Хотира пасайиши	29	45,3±6,3	29	45,3±6,3	21	32,8±5,9	13	20,3±5,1**, ^^

Асосий неврологик синдромлар:								
Пирамидал	64	100	61	95,3±2,7	44	68,8±5,8***,^^^	36	56,3±6,3***,^^^
Вестибулоатаксик	50	78,1±5,2	50	78,1±5,2	37	57,8±6,2*,^	30	46,9±6,3**,^^
Амиостатик	3	4,7±2,7	4	6,3±3,0	3	4,7±2,7	5	7,8±3,4
Псевдобульбар	34	53,1±6,3	32	50,0±6,3	12	18,8±4,9***,^^	7	10,9±3,9***,^^^

Изоҳ: * - амалиётгача бўлган кўрсаткичларнинг қиёсий ишончлилиги *-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001 ^ - 3 ойлик кўрсаткичларнинг қиёсий ишончлилиги ^-P<0,05; ^^ - P<0,01; ^^ - P<0,001

3, 6 ва 12 ойлик кузатув даврида СЦВЕнинг III даражаси билан оғриган II гуруҳ беморларида ҳам бош мия сурункали ишемиясини ЎзРССВ стандарти бўйича вазоактив, нейропротектив, гиполлипидемик ва антиагрегант воситалар билан муолажа қилиш натижасида неврологик тикланиш жараёнлари кузатилди, аммо 5-жадвалда кўрсатилгандек, ушбу гуруҳ беморларда субъектив аломатлар ва неврологик синдромларнинг камайиши кузатув даврида камроқ намоён бўлди.

5-жадвал.

3, 6 ва 12 ойлик консерватив даволаниш натижалари бўйича III даражали СЦВЕ (n= 59) билан хасталанган иккинчи гуруҳ беморларининг клиник хусусиятлари

II гуруҳ СЦВЕ III (n=59)								
Касаллик аломатлари	Даволанишгача		Даволанишдан 3 ой ўтиб		Даволанишдан 6 ой ўтиб		Даволанишдан 12 ой ўтиб	
	абс.	%	абс.	%	%	абс.	%	абс.
Асосий субъектив аломатлар:								
Бош оғриғи	42	71,1±5,4	37	62,7±4,3*	34	57,6,9±6,4* **,^	30	50,8±4,1* **,^^^
Бош ва кулоқдаги шовқин	57	96,6±4,2	50	84,7±6,3	39	66,1±6,2*** ,^^^	32	54,2±5,1* **,^^^
Бош айланиши	29	49,1±4,3	27	45,8,6±2,1	20	33,9±5,3**, ^	22	37,3±4,7* **,^^
Хотира пасайиши	46	77,9±6,1	30	50,8±4,2	34	57,6±5,9	32	54,2±5,1* *,^^
Асосий неврологик синдромлар:								
Пирамидал	59	100	57	96,6±4,4	44	74,5±5,1*** ,^^^	48	85,23±2,3 ***,^^^
Вестибулоатаксик	39	66,1±4,2	30	50,8±6,2	35	59,3±4,1*,^	40	67,7±6,3* *,^^
Амиостатик	8	13,6±5,7	8	13,6±5,7	12	20,3±5,7	11	18,6±4,1
Псевдобульбар	52	88,1±5,1	50	84,7±4,1	35	59,3±3,4*** ,^^	39	66,1±5,7* **,^^^

Изоҳ: *- даволанишгача қиёсий ишончлилиги * - P<0,05; ** - P<0,01; ***- P<0,001; ^ - даволанишдан сўнг қиёсий ишончлилиги ^ - P<0,05; ^^ - P<0,01; ^^ - P<0,001; ° - асосий гуруҳ билан қиёсий ишончлилиги ° - P<0,05; °° - P<0,01; °°° - P<0,001;

Кузатувнинг барча даврларида Бартель шкаласи ёрдамида ҳар иккала гуруҳ беморларининг функционал фаоллик даражаси баҳоланди. 6-жадвалдан

кўриниб турибдики, ҳар иккала гуруҳдаги ИИ ўтказган беморларда Бартел шкаласи бўйича функционал фаолликнинг ошиши аниқланди.

6-жадвал.

Иккала гуруҳдаги беморларнинг Бартел шкаласи кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Бартел шкаласи			
	Даволанишгача	3 ойдан сўнг	6 ойдан сўнг	12 ойдан сўнг
I гр (n=43)	69,0±2,0	69,8±2,1	75,9±1,9*,^	79,7±2,0**,^^
II гр (n=55)	60,0±1,8	62,7±1,6	69,9±2,1*,^	71,2±1,8**,^^

Изоҳ:* - даволанишгача бўлган кўрсаткичларнинг қиёсий ишончилиги *-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001 ^ - 3 ойлик кўрсаткичларнинг қиёсий ишончилиги ^-P<0,05; ^^ - P<0,01; ^^ - P<0,001

Ҳар иккала гуруҳ беморларда когнитив танқислик ва меҳнат қобилиятини тиклаш давридаги даволаниш жараёнида унинг динамикасини кузатиш учун когнитив фаолиятни баҳолашнинг қисқача MMSE ҳалқаро шкаласи қўлланилди (7-жадвал).

7-жадвал.

Ҳар иккала гуруҳ беморларнинг MMSE шкаласи бўйича кўрсаткичлари

Гуруҳлар	MMSE шкаласи			
	Даволанишгача	3 ойдан сўнг	6 ойдан сўнг	12 ойдан сўнг
СЦВЕнинг III босқичи (ДЦЭ)				
I гр (n=64)	24,5±0,48	25,5±0,42	26,3±0,35*	26,5±0,34**
II гр (n=59)	23,2±0,32	23,0±0,51	24,1±0,37*	24,5±0,39**
СЦВЕнинг IV босқичи (ИИ)				
I гр (n=43)	23,4±0,39	24,3±0,37	25,7±0,40***,^	26,3±0,35***,^^
II гр (n=55)	21,8±0,32	22,3±0,43	22,7±0,35***,^	23,7±0,35***,^^

Изоҳ:* - даволанишгача бўлган кўрсаткичларнинг қиёсий ишончилиги *-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001 ^ - 3 ойлик кўрсаткичларнинг қиёсий ишончилиги ^-P<0,05; ^^ - P<0,01; ^^ - P<0,001

Ушбу 7-жадвалдан кўриниб турибдики, СЦВЕнинг III босқичи билан оғриган ҳар иккала гуруҳ беморларининг (бош мия сурункали ишемиясининг субкомпенсациялашган босқичида, инсультгача бўлган ҳолатда) MMSE шкаласи бўйича ўртача кўрсаткичлари биринчи гуруҳда 24,5±0,48 баллни ва иккинчи гуруҳда эса 23,2±0,32 баллни ташкил этди, яъни I гуруҳдаги беморларда деменциядан олдинги ҳолат, II гуруҳдаги беморларда эса текширув натижаларига кўра енгил даражали деменция ҳолати аниқланди. Амалиёт ўтказилган беморларнинг даволаниб, меҳнат қобилиятини тиклаш босқичларида MMSE шкаласи бўйича кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланди, бир йилдан сўнг эса ушбу кўрсаткичлар меъёр даражасига етди.

СЦВЕнинг III босқичи билан оғриган II гуруҳ беморларининг MMSE шкаласи кўрсаткичлари бўйича ўтказилган консерватив даво муолажаларидан сўнг ҳам ижобий натижа қайд этилди, лекин даволанишнинг дастлабки

давридан то бир йил ўтган давргача ушбу кўрсаткич ўртача $24,5 \pm 0,39$ баллни ташкил этди ва у 37,2% беморларда деменция, 51,1% беморларда эса енгил когнитив бузилиш деб баҳоланди.

Транскраниал доплерография (ТКДГ) маълумотларига кўра, жарроҳлик йўли билан даволаниш натижасида интракраниал артерияларда қон оқим тезлигининг ошиши етарли даражада яққол намоён бўлди; бундай ҳолда периферик қаршилиқ кўрсаткичи ва пульсацион кўрсаткичларнинг пасайиши қайд этилди. I гуруҳдаги беморлар уйқу артериясининг зарарланган томонида бош мия ўрта артериясидаги (БМЎА) қон оқимининг солиштирма баҳоланиши систолик, диастолик кўрсаткичлар ва ўртача қон оқими тезлигининг 31,8%, 39,7% ва 33,2% га ўсишини кўрсатди (8-жадвал).

8-жадвал.

Асосий гуруҳдаги беморларнинг интракраниал артерияларида қон оқими кўрсаткичларининг динамикаси

Артерия	Кўрсаткичлар	Амалиётгача	Амалиётдан сўнг	6 ойдан сўнг	12 ойдан сўнг
БМЎА	Vp (см/с)	$\frac{63,4 \pm 1,8}{60,9 \pm 1,6}$	$\frac{83,1 \pm 3,0^{***}}{80,7 \pm 2,6^{***}}$	$\frac{80,6 \pm 2,8^{***}}{78,4 \pm 2,1^{***}}$	$\frac{74,8 \pm 2,4^{**\circ}}{72,6 \pm 2,1^{***\circ}}$
	Vd (см/с)	$\frac{26,7 \pm 1,0}{24,2 \pm 0,8}$	$\frac{37,0 \pm 0,8^{***}}{34,1 \pm 1,1^{***}}$	$\frac{35,3 \pm 0,9^{***}}{32,8 \pm 0,8^{***}}$	$\frac{31,9 \pm 0,9^{***\circ\circ}}{29,5 \pm 0,8^{***\circ\circ}}$
	Vm (см/с)	$\frac{38,5 \pm 1,1}{37,3 \pm 1,2}$	$\frac{51,2 \pm 1,8^{***}}{49,8 \pm 1,6^{***}}$	$\frac{50,4 \pm 1,4^{***}}{48,2 \pm 1,2^{***}}$	$\frac{46,7 \pm 1,3^{***\circ}}{44,5 \pm 1,1^{***\circ}}$
	RI	$\frac{0,58 \pm 0,004}{0,60 \pm 0,005}$	$\frac{0,55 \pm 0,003^{***}}{0,58 \pm 0,004^*}$	$\frac{0,56 \pm 0,005^*}{0,58 \pm 0,003^{**}}$	$\frac{0,57 \pm 0,004^{\circ\circ}}{0,59 \pm 0,005}$
	PI	$\frac{0,95 \pm 0,007}{0,98 \pm 0,010}$	$\frac{0,90 \pm 0,005^{***}}{0,94 \pm 0,008^*}$	$\frac{0,90 \pm 0,004^{***}}{0,95 \pm 0,006^*}$	$\frac{0,92 \pm 0,006^{**\circ}}{0,97 \pm 0,008^{\circ}}$
АА	Vp (см/с)	$51,3 \pm 1,3$	$55,9 \pm 1,7^*$	$55,2 \pm 1,4^*$	$53,7 \pm 1,4$
	Vd (см/с)	$24,8 \pm 0,7$	$28,3 \pm 0,8^{**}$	$27,5 \pm 0,7^*$	$26,4 \pm 0,7$
	Vm (см/с)	$31,6 \pm 0,8$	$34,7 \pm 1,0^*$	$34,1 \pm 0,9^*$	$32,8 \pm 0,8$
	RI	$0,52 \pm 0,002$	$0,49 \pm 0,004^{***}$	$0,50 \pm 0,003^{***\circ}$	$0,51 \pm 0,005^{\circ}$
	PI	$0,84 \pm 0,010$	$0,80 \pm 0,012^*$	$0,81 \pm 0,014$	$0,83 \pm 0,013$

Изоҳ: қаср чизигидан пастдаги қон оқими кўрсаткичлари чап томон, қаср чизигидан юқоридаги қон оқими кўрсаткичлари ўнг томон артериясига тегишли. * - даволанишгача бўлган кўрсаткичлар таққосланишининг ишончлилиқ фарқи (* - $P < 0,05$; ** - $P < 0,01$; *** - $P < 0,001$); ° - даволанишдан сўнгги кўрсаткичлар таққосланишининг ишончлилиқ фарқи (° - $P < 0,05$; °° - $P < 0,01$; °°° - $P < 0,001$).

II гуруҳдаги беморлар уйқу артериясининг зарарланган томонида бош мия ўрта артериясидаги қон оқимининг солиштирма баҳоланиши систолик, диастолик кўрсаткичлар ва ўртача қон оқими тезлигининг 28,3%, 37,3% ва 28,1% га ўсишини кўрсатди (9-жадвал).

9-жадвал.

Таққослаш гуруҳидаги беморларнинг интракраниал артерияларида қон оқими кўрсаткичларининг динамикаси

Артерия	Кўрсаткичлар	Амалиётгача	Амалиётдан сўнг	6 ойдан сўнг	12 ойдан сўнг
БМЎА	Vp (см/с)	$\frac{63,4 \pm 1,8}{60,9 \pm 1,6}$	$\frac{80,9 \pm 2,6^{***}}{78,6 \pm 2,3^{***}}$	$\frac{75,6 \pm 2,0^{***}}{73,8 \pm 1,9^{***}}$	$\frac{71,2 \pm 2,1^{*,\circ}}{69,5 \pm 1,8^{**, \circ}}$
	Vd (см/с)	$\frac{26,7 \pm 1,0}{24,2 \pm 0,8}$	$\frac{36,5 \pm 0,9^{***}}{33,4 \pm 0,9^{***}}$	$\frac{33,1 \pm 0,9^{***, \circ}}{30,7 \pm 0,8^{***, \circ}}$	$\frac{30,4 \pm 0,7^{*, \circ\circ\circ}}{28,6 \pm 0,7^{**, \circ\circ\circ}}$
	Vm (см/с)	$\frac{38,5 \pm 1,1}{37,3 \pm 1,2}$	$\frac{49,2 \pm 1,4^{***}}{47,9 \pm 1,3^{***}}$	$\frac{46,3 \pm 1,3^{***, \wedge}}{44,8 \pm 1,1^{***, \wedge}}$	$\frac{43,8 \pm 1,2^{**, \circ}}{42,1 \pm 1,1^{*, \circ\circ}}$
	RI	$\frac{0,58 \pm 0,004}{0,60 \pm 0,005}$	$\frac{0,55 \pm 0,003^{***}}{0,58 \pm 0,004^*}$	$\frac{0,56 \pm 0,002^{***, \circ}}{0,58 \pm 0,003^{**}}$	$\frac{0,57 \pm 0,004^{\circ\circ}}{0,59 \pm 0,005}$
	PI	$\frac{0,95 \pm 0,007}{0,98 \pm 0,010}$	$\frac{0,90 \pm 0,004^{***}}{0,94 \pm 0,005^{**}}$	$\frac{0,92 \pm 0,005^{**, \circ, \wedge}}{0,96 \pm 0,006^{\circ}}$	$\frac{0,93 \pm 0,006^{*, \circ\circ\circ}}{0,97 \pm 0,008^{\circ\circ}}$
АА	Vp (см/с)	$51,3 \pm 1,3$	$55,7 \pm 1,5^*$	$54,5 \pm 1,4$	$52,6 \pm 1,4$
	Vd (см/с)	$24,8 \pm 0,7$	$27,9 \pm 0,8^*$	$26,7 \pm 0,7$	$25,5 \pm 0,7^{\circ}$
	Vm (см/с)	$31,6 \pm 0,8$	$34,6 \pm 0,8^*$	$33,9 \pm 0,8$	$32,5 \pm 0,8$
	RI	$0,52 \pm 0,002$	$0,50 \pm 0,003^{***, \wedge}$	$0,51 \pm 0,002^{**, \circ, \wedge}$	$0,52 \pm 0,004^{\circ\circ}$
	PI	$0,84 \pm 0,010$	$0,80 \pm 0,013^*$	$0,82 \pm 0,011$	$0,83 \pm 0,012$

Изоҳ: қаср чизигидан пастдаги қон оқими кўрсаткичлари чап томон, қаср чизигидан юқоридаги қон оқими кўрсаткичлари ўнг томон артериясига тегишли. * - даволанишгача бўлган кўрсаткичлар таққосланишининг ишончлилиқ фарқи (* - P<0,05; ** - P<0,01; *** - P<0,001); ° - даволанишдан сўнгги кўрсаткичлар таққосланишининг ишончлилиқ фарқи (° - P<0,05; °° - P<0,01; °°° - P<0,001); ^ - асосий гуруҳ билан таққосланишининг ишончлилиқ фарқи (^ - P<0,05; ^^ - P<0,01).


Ҳар иккала гуруҳ беморлари дуплекс сканерлаш (ДС) ёрдамида текширилганда ипсилатериал уйқу артерияларининг зарарланиш даражаси ва хусусиятлари аниқланади. Ушбу маълумотлар 10-жадвалда тақдим этилган.

10-жадвал.

Уйқу артерияларнинг стенозланиш даражалари

УА стенозланиш даражаси	I гуруҳ (n=140)	II гуруҳ (n=140)
60–70%	66 (47,1%)	51 (36,4%)
70–80%	38 (27,1%)	42 (30,0%)
80–90%	26 (18,6%)	41 (29,3%)
>90%	10 (7,2%)	6 (4,3%)


Жадвалдан кўришиб турибдики, ҳар иккала гуруҳ беморларининг ярмида (биринчиси 57,2% ва иккинчиси 53,5%) ички уйқу артериясининг стенозланиши 60–70% ни ташкил қилди. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакки, иккинчи гуруҳ беморларда ички уйқу артериясининг «критик» деб номланувчи стенозланиши кўпроқ аниқланди. Хуллас, дуплекс сканерлаш маълумотларига кўра ички уйқу артериясининг 80% дан юқори даражада стенозланиши иккинчи гуруҳдаги беморларда 29,3%, биринчи гуруҳдаги беморларда 18,6% ни ташкил қилган.



2-расм. Ҳар иккала гуруҳ беморлар уйқу артерияларидаги атеросклеротик пилакчаларнинг тақсимланиши (n=280)


Биринчи ва иккинчи гуруҳ беморларини текшириш жараёнида атеросклеротик пилакчаларнинг (АСП) қуйидаги турлари аниқланди (2-расм). Ҳар иккала гуруҳдаги кўпчилик беморларда АСПнинг III (38,2%), IV (30,0%) ва V турлари (26,8%) кўпроқ аниқланди. АСПнинг II тури (5,0%) кам ҳолларда аниқланиб, I тури эса текширув жараёнида аниқланмади.

Биринчи гуруҳ беморларда текширув натижасига кўра IV и V турдаги пилакчалар орасида яраланган ёки юзаси нотекис бўлган АСПлар кўпроқ аниқланди, юзаси текис бўлган пилакчалар эса III тур пилакчалари орасида кўпроқ аниқланди (3-расм).



3-расм. Биринчи гуруҳ беморларда АСП турларнинг хусусиятлари n=140.

Иккинчи гуруҳда ҳам текширув натижасига кўра IV и V турдаги пилакчалар орасида яраланган ёки юзаси нотекис бўлган АСПлар кўпроқ аниқланади, юзаси текис бўлган пилакчалар эса III турдаги пилакчалар орасида кўпроқ аниқланди (4-расм).



4-расм. Иккинчи гуруҳ беморларда АП турларнинг хусусиятлари n=140.

